

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ**



«ИМҚЛАЙМАН»

Ф директори

О.Муртазаев

2021 йил

**Очиқ маърузаларни ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисида
И Ч К И Н И З О М**

САМАРҚАНД - 2021

Мазкур “Ички низом” Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунларига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2004 йил 24 мартдаги 79-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги намунавий Низом”га асосан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалида ишлаб чиқилиб, Кенгашининг 2021 йил “26” 02 даги 7 -сон йиғилишида муҳокама қилиниб тасдиқдан ўтказилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Ушбу “Ички Низом” филиалнинг барча кафедраларида фаолият кўрсатётган профессор-ўқитувчилар томонидан очик маърузаларни ўқатишларида, уларга қўйиладиган талабларни сифатли бажарилишида фойдаланиш учун тавсия этилади.

“Ички Низом” филиал Кенгашида кўриб чиқилиб, унинг тавсиясига биноан, директор томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга кирилади.

Тузувчилар:

- Ахроров Фарход Бахриддинович – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор
ўринбосари
Юлдашев Ғиёс Турабекович – Ўқув ишлари бўйича инспектор
Худаяров Уктам Журакулович – Табиий, ижтимоий фанлар ва жисмоний
маъданият кафедраси мудири

Ушбу “Ички низом” Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали Кенгашининг 2021 йил “26” 02 даги 7 -сон йиғилишида муҳокама қилиниб тасдиқдан ўтказилди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали
Очиқ маърузаларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги
И Ч К И Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Очиқ маърузаларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан ишлаб чиқилган ва унда филиалда очиқ маърузаларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган.

2. Муайян фан бўйича ўқув дастурдаги мавзуни талабалар, шунингдек, шу мавзуга қизиқтириш билдирган ва махсус таклиф этилган профессор-ўқитувчилар, олим ва мутахассислар аудиториясида маъруза шаклида ўтказиладиган дарслар очиқ маърузалар деб аталади.

3. Очиқ маърузалар ўтказишдан мақсад, профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялар соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлар билан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда маърузаларни тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёрланган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдир.

4. Очиқ маърузаларни ўтказиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабаларга фандаги ютуқ ва янгиликларни етказиш;
- таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;
- илмий-услубий жиҳатдан замонавий маърузаларни тарғибот этиш;
- ёш ва бўлажак етук кадрларнинг касб маҳоратини ошириш;
- илмий унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, ўз касбий маҳоратини ошириш устида мунтазам ишлашларини таъминлаш ва уларда ўқув жараёнидаги масъулиятни ошириш;
- юқори савиядаги маъруза муаллифларини рағбатлантириш ва тақдирлаш.

5. Очиқ маърузалар, одатда, ўз соҳаси бўйича таниқли ёки илмий мактаб яратган, илмий даража ва унвонларга эга бўлган тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилади.

6. Профессор-ўқитувчилар ва доцент илмий унвонларига ўрнатилган тартибда даъвогарлик қилаётган педагог кадрлар учун очиқ маърузаларни ўтказиш мажбурий ҳисобланади.

7. Очиқ маърузаларни ўтказиш филиал профессор-ўқитувчиларининг малака ошириш шаклларида киради.

II. Очик маърузаларни ташкил этиш тартиби

8. Филиалда очик маърузалар ўқув режадаги барча фанлардан ўтказилиши мумкин. Умумқасбий ва ихтисослик фанларидан ўтказиладиган очик маърузалар алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

9. Очик маърузаларни ўтказиш тўғрисидаги таклиф профессор, доцент ёки айрим ҳолларда катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар даъвогарлик қилаётган педагог кадрлар томонидан ўқув семестри бошланишига қадар кафедра мудирига маълум қилинади. Таклифда ўқув семестри мобайнида ўқув режадаги муайян фан, мавзу, талабалар курси ва академик гуруҳлари, шунингдек, дарслар жадвалига мувофиқ очик маъруза ўтказиладиган кун, жой ва вақт кўрсатилади.

10. Кафедра мудир, очик маърузага таклиф этилиши мумкин бўлган тажрибали педагоглар, етакчи олим ва юқори малакали мутахассислар (ташқи экспертлар) рўйхатини тузади ҳамда белгиланган жадвал шаклида очик маърузага оид зарур маълумотларни ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарига тақдим этади.

11. Очик маърузаларни ўтказиш тўғрисидаги кафедралар таклифлари филиал бўйича умумлаштирилиб, директор томонидан тасдиқланади ва ўқув семестри бошида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига маълумот учун тақдим этилади.

12. Очик маърузанинг матни ёки унинг қисқа мазмуни-тезислар аввалдан ўрнатилган тартибда барча талаба ва таклиф этилганларга тарқатилган бўлиши шарт.

13. Очик маъруза, одатда, икки академик соатга мўлжалланади. Маърузачи савол ва жавоблар учун, камида 5 дақиқа вақт захирасига эга бўлиши тавсия қилинади.

14. Маъруза мавзуси, услуби техник воситалари маърузачи томонидан ихтиёрий танланади.

III. Очик маърузаларни эълон қилиш

15. Очик маъруза ўтказилиши ҳақидаги ахборот, олий таълим муассасида мавжуд бўлган ахборот воситалари орқали бир ҳафта олдин эълон қилинади. Эълонда очик маъруза мавзуси, маърузачининг фамилияси, исми-шарифи, илмий даражаси ва унвони ҳамда маърузани ўтказиш куни, жойи ва вақти кўрсатилади.

16. Очик маърузага бошқа олий таълим муассасаларидаги турдош кафедраларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқаришнинг тегишли соҳаларида фаолият юритаётган илғор корхоналар, айниқса, қўшма корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари, илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда мутасадди давлат органлари, фанлар академияси, фан ва технологиялар маркази, олий аттестация комиссияси, Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг вакиллари, маъруза ўтказилишдан икки ҳафта олдин ёзма равишда таклиф этиладилар.

17. Очiq маърузада, маърузани ташкил этаётган кафедранинг ёш педагогларининг қатнашиши мажбурий ҳисобланади.

IV. Очiq маърузалар муҳокамасини ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари

18. Очiq маърузанинг мазмун-моҳияти ва илмий-услубий савияси бўйича муҳокама маърузадан сўнг, кафедрада давом эттирилади. Очiq маъруза муҳокамаси кафедра мажлислари баённомасида қайд этилади (1-илова).

19. Очiq маъруза ҳақида ташқи тақриз ва фикр-мулозҳазалар, ёзма равишда филиал директориға юборилади ва матбуот орқали эълон қилиниши мумкин.

20. Очiq маърузани баҳолашда Фанлар академияси, фан ва технологиялар маркази, Олий аттестация комиссияси, илғор технологиялар жорий этилган йирик корхоналар, Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси мутахассиларининг тақризлари асосий ҳисобланади.

21. Профессор-ўқитувчиларнинг очiq маърузаларини баҳолаш мезонлари ўнта банддан иборат дарснинг сифат кўрсаткичлари (дарс таҳлилиға кўйиладиган асосий талабалар) юқори (9-10), ўрта (4-8) ва қуйи (1-3) балларда ташқи ва ички экспертлар томонидан амалға оширилади (2-илова).

22. Очiq маърузаларни муҳокама қилишға бағишланган кафедра мажлиси қарорларининг нусхалари таҳлил учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғиға тақдим этилади.

V. Очiq маърузалар муаллифларини рағбатлантириш

23. Профессор-ўқитувчиларнинг муваффақият билан ўтказилган очiq маърузалари, уларни ўрнатилган тартибда моддий ва маънавий рағбатлантиришда инобатға олинади.

24. Профессор-ўқитувчилар томонидан самарали ўтказилган очiq маърузалар филиалда оммалаштиралади ҳамда уларнинг рейтингини аниқлаш, малака ошириш курсларига жалб этиш ва аттестациядан ўтказишда инобатға олинади.

Тошкент давлат иқтисодийёт университети
Самарқанд филиали

” кафедраси

очик маъруза муҳокамасининг йиғилиш

БАЁННОМАСИ

Профессор-ўқитувчи _____ нинг
_____ фанидан
“ _____ ” мавзусида
_____ факультети _____ курс _____ гуруҳ(лар)ида
20 _____ йил _____ куни _____ жумтликда _____ - аудиторияда ўтказилган

**ОЧИҚ МАЪРУЗАНИНГ
МУҲОКАМАСИ**

Экспертлар: (ташки) _____
(ф.и.ш.)

(ички) _____
(ф.и.ш.)

Берилган саволлар: _____

Ташқи эксперт фикри _____

Ички эксперт фикри _____

Қўшимча сўзга чиқдилар _____

Очиқ маъруза бўйича умумий хулоса _____

Очиқ маъруза муҳокамасида иштирок этганлар:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали
ОЧИҚ МАЪРУЗАНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. Профессор-ўқитувчининг исми, шарифи, лавозими _____
2. Педагогик иш стажи _____
3. Факультет номи _____
4. Кафедра номи _____
5. Фан номи _____
6. Очiq маъруза мавзуси _____
7. Дарсинг тури: _____ шакли: _____ тили: _____
8. Курс: _____ гуруҳ: _____ талабалар сони: _____
9. Сана: _____ . Жумтлик: _____ . Аудитория: _____
10. Экспертлар исми ва шарифи, лавозими _____

№	Дарсинг сифат кўрсаткичлари (дарс тахлилга қўйладиган асосий талаблар)	Баҳо (балларда):		
		Юқори (9-10)	Ўрта (6-8)	Қуйи (1-5)
1	Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги (ташкилый, психологик, лойиҳанинг аниқлиги).			
2	Мавзунинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги, ифодаланиши, машғулот давомида уларга эркинлик даражаси.			
3	Маъруза мазмунининг илмийлиги, янгилиги, изланишларнинг энг илғор хулосаларидан фойдаланиш даражаси.			
4	Шу мавзуга тегишли услубий тайёргарлик (ЎУМни қўллаш, интерфаол усуллардан фойдаланиш ва ҳ.к).			
5	Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатлар (таълим жараёнида фаоллик, эркинлик, тушунишлик, самимийлик, педагогик одоб, ўзини тута билиш ва б.).			
6	Дарсда ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси.			
7	Педагогик маҳорат кўринишлари, тилнинг софлиги, далиллар асосида исботлаш, мисоллар танлаш, тарбиявий таъсирчанлик, аудитория билан алоқа ўрнатиш, аудитория диққатини жалб эта билиш даражаси.			
8	Ўқув жараёнига талабаларни руҳлантириш ва қизиқтира билиш, таълимнинг муаммолик қоидасига амал қилиши.			
9	Талабаларнинг мавзу мазмунини тушунганлиги ва ўзлаштирганлиги (назорат саволларидан фойдаланиш).			
10	Вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш.			
Жами:				

Экспертлар имзоси _____

Ўқитувчи имзоси _____

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Самарқанд филиали

“ _____ ” кафедраси

очик семинар муҳокамасининг йиғилиш
БАЁННОМАСИ

Профессор-ўқитувчи _____ нинг
_____ фанидан
“ _____ ” мавзусида
_____ факультети _____ курс _____ гуруҳ(лар)ида
20 _____ йил _____ куни _____ жумтликда _____ - аудиторияда ўтказилган

**ОЧИҚ СЕМИНАРНИНГ
МУҲОКАМАСИ**

Экспертлар: (ташқи) _____ (ф.и.ш.)
(ичқи) _____ (ф.и.ш.)

Берилган саволлар: _____

Ташқи эксперт фикри _____

Ички эксперт фикри _____

Қўшимча сўзга чиқдилар _____

Очик семинар бўйича умумий хулоса _____

Очик семинар муҳокамасида иштирок этганлар: _____

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ОЧИҚ СЕМИНАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

1. Ўқитувчининг исми, шарифи, лавозими _____
2. Педагогик иш стажи _____
3. Факультет номи _____
4. Кафедра номи _____
5. Фан номи _____
6. Очиқ семинар мавзуси _____
7. Дарсинг тури: _____ шакли: _____ тили: _____
8. Курс: _____ гуруҳ: _____ талабалар сони: _____
9. Сана: _____ . Жуфтлик: _____ . Аудитория: _____
10. Экспертлар исми ва шарифи, лавозими _____

№	Дарсинг сифат кўрсаткичлари (дарс тахлилига қўйладиган асосий талаблар)	Баҳо (балларда):		
		Юқори (9-10)	Ўрта (6-8)	Қуйи (1-5)
1	Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги (ташкилый, психологик, лойиҳанинг аниқлиги).			
2	Мавзунинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги, ифодаланиши, машғулот давомида уларга эркинлик даражаси.			
3	Семинар мазмунининг илмийлиги, янгилиги, изланишларнинг энг илғор хулосаларидан фойдаланиш даражаси.			
4	Шу мавзуга тегишли услубий тайёргарлик (ЎУМни қўллаш, интерфаол усуллардан фойдаланиш ва ҳ.к).			
5	Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги муносабатлар (таълим жараёнида фаоллик, эркинлик, тушунишлик, самимийлик, педагогик одоб, ўзини тута билиш ва б.).			
6	Дарсда ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси.			
7	Педагогик маҳорат кўринишлари, тилнинг софлиги, далиллар асосида исботлаш, мисоллар танлаш, тарбиявий таъсирчанлик, аудитория билан алоқа ўрнатиш, аудитория диққатини жалб эта билиш даражаси.			
8	Ўқув жараёнига талабаларни руҳлантириш ва қизиқтира билиш, таълимнинг муаммолик қоидасига амал қилиши.			
9	Талабаларнинг мавзу мазмунини тушунганлиги ва ўзлаштирганлиги (назорат саволларидан фойдаланиш).			
10	Вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиш.			
Жами:				

Экспертлар имзоси _____

Ўқитувчи имзоси _____